

# ШАРТНОМА № 30118

« 30 » июнь 2022 йил

Яйпан шаҳри

Узбекистон тумани МТБ номидан раҳбар X.A.Кўзиева, бундан буён бир томондан “Харидор” деб юритилади, Низом асосида харакат килувчи, иккинчи томондан «Baxtli taraqqiyot invest » хусусий корхонаси номидан раҳбар Ф.Мўминқулова Низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва куйдагилар хакида ушбу шартнома тузилди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса толовни белгиланган тартибда амалга оширгандан сунг кабул килиш мажбуриятини оладилар.

## II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

т/р №	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Постел -пододеялник	комп	4000	80000	320000000
2	Кўрпача	дона	1900	80000	152000000
3	матрас	дона	800	110000	88000000
4	ёстик	дона	1980	40000	79200000
					639200000

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: Олти юз ўттиз тўққиз милион икки юз минг\_сум.  
(ракамлар, сезувлар билан)

## III.ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товарнинг 30% микдорида, етказиб берилгандан сўнг товар учун 70% микдорида пул утказиш йули билан толовни аширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати узаро келишилган холда кушимча белгиланади.

## IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сунг товарни 1 ой муддат ичida «Харидор»га етказиб бериши шарт.

(товар етказиб бериш муддати)

## V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофилклик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий хужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада курсатилган талабларга риоя килган холда уз вактида «Харидор»га товарни етказиб бериш;

- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни кайтариб олиб куйиши хукукига эга;

- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тугрисида билдириш олгандан сунг, сифатли булмаган мол-мулкни 10 кун ичida алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк баҳосини кайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини хисоб-варакларда тулик ва аник номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошка курсаткичларини курсатиш шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тулик реквизитларини расмийлаштириш шарт.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя килган холда толовларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига караб уз вактида маҳсулотни кабул килиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушгани аниклангандан кейин, бу хакда далолатнома ёзилиб 10 кун ичida «Сотувчи»ни огохлантириш.

- Тулик расмийлаштирилмаган хамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган хисоб-вараклар буйича толов амалга оширилмайди.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Узбекистон Республикаси Конунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблаги булган холда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганилиги учун кечикитирилган хар бир кун учун шартномада курсатилган сумманинг 0.5 % микдорида «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня микдори шартнома кийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатларидаги хамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган булса, айборд тараф 5 % микдорида жарима тулайди.

7.4. «Харидор» олинган товар учун толовни уз вактида амалга оширмаса кечикитирилган хар бир кун учун кечикитирилган сумманинг 0.4% микдорида «Сотувчи»га пеня тулайди, бунда пеняning умумий микдори кечикитирилган сумманинг 50% дан ортик булмаслиги лозим.

7.5 Текширув органлари томонидан маҳсулот нархи киммат деб топилган тақдирда уртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан копланади.

### VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

81. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавкулотда туслаги холатларга: сув тошкини, ёнгин, ер кимирилаши ва бошка табиий оғатлар, шунингдек ҳарбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки харакатлари ва тарафлар назорат кила олмайдиган бошка, ҳар кандай холатлар тегишилдири.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф килиб булмайдиган куч 1 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор килиш мумкин.

### IX. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар узаро ҳал килинади. Агар узаро ҳал килинмаган тақдирда Узбекистон Республикаси конунлариги асосан Иқтисодий судлари оркали ҳал килинади

9.2. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «30»июндан 2022 йил «31» декабргача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бошқармаси (бўлим)да руйхатдан ўтказилганидан сунг конуний кучга киради.

### X. КУШИМЧА ШАРТЛАР

#### XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

«Буюртмачи»

«Baxtli taraqqiyot invest» хусусий  
корхонаси

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Яйпан шахри А. Навоий №

Тел./факс

Х/р: 20208000104980739001

Банк номи: «Ипотека банк» Кўкон шаҳар  
филиали

МФО: 01076 СТИР: 302306494

ОКОНХ: 17210

Ўзбекистон тумани МТБ

Манзил: Яйпан шаҳар Зиёкор №98

Тел./факс

ш/х \*100022860302307091100251048

Бюджетдан маблағ олувчи СТИР: 305153082

ОКОНХ: 92400

Газначилик бўлинмаси номи Ўзбекистон тумани  
газначилиги

Газна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент шаҳар, Марказий банк  
Тошкент ш. ХККМ

МФО 00014

Газначилик бўлинмаси СТИРи 201122919



Ф.Мўминкулова  
(Ф.И.Ш)



Рахбар: X.A. Кўзиева  
(Ф.И.Ш)



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI

O'ZBEKISTON TUMAN ADLIYA BO'LIMI

YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151800, O'zbekiston tumani, Yaypan shahar, Ziyokor ko'chasi.

Tel: (99873) 539 15 38, el.pochta: uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 30-iyun

Yaypan shahri

### **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

**1.Loyihaning turi : Shartnoma.**

**2.Loyihaning nomi: Byudjetdan mablag' oluvchi muassasalarda joriy ta'mirlash ishlarini bajarish bo'yicha shartnoma.**

**3.Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: O'zbekiston tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi.**

**4.Loyiha yuzasidan ma'lumot:**

O'zbekiston tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi va "BAXTLI TARAQQIYOT INVEST" oilaviy korxonasi o'rtaida umumiyligi qiymati 639.200.000 (olti yuz o'ttiz to'qqiz million ikki yuz ming) so'm bo'lgan 4.000 dona "Постель-пододеяльник", 1.900 dona "күрпача", 800 dona "матрас" va 1.980 dona yostiq yetkazib berish to'g'risidagi shartnomasi loyihasi huquqiy xulosa olish uchun taqdim qilingan.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 5-moddasiga asosan yuridik shaxslar, shuningdek yuridik shaxs tashkil etmagan holda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan jismoniy shaxslar xo'jalik shartnomalarining subyektlari (taraflari) bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasi davlat statistika qo'mitasining [www.stats.uz](http://www.stats.uz) rasmiy veb-saytidan olingna ma'lumotga ko'ra, "BAXTLI TARAQQIYOT INVEST" oilaviy korxonasi 2012-yil 21-mayda tuman hokimiyatidan 3616/77-raqam bilan davlat ro'yxatidan o'tkazilgan.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 10-moddasi birinchi qismiga ko'ra, xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatları bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdag'i shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi

kerak. Sharhnomalar loyihasida mazkur Qonun talablariga amal qilingan holda mazkur shartlar nazarda tutilgan.

Fuqarolik kodeksining 108-moddasiga asosan yuridik shaxslarning o'zaro bitimlari oddiy yozma shaklda tuzilishi belgilangan. Taqdim etilgan sharhnomasi oddiy yozma shaklda tuzilgan. Sharhnomaga sharhnomalar tuzish vakolati bo'lgan mansabdor shaxs tomonidan imzolanishi lozim.

O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-sonli Qonunining 56-moddasi birinchi qismiga ko'ra, eng yaxshi takliflarni tanlash vositasidagi davlat xaridi quyidagi shartlar bir vaqtning o'zida bajarilgan taqdirda amalga oshiriladi:

g'olibni aniqlash mezonlari tovar (ish, xizmat) davlat xaridining nafaqat pul ifodasiga, balki miqdoriy va sifat bahosiga ham ega bo'ladi;

tovarning (ishning, xizmatning) qiymati bir sharhnomalar bo'yicha bazaviy hisoblash miqdorining yigirma besh ming baravarigacha (budget buyurtmachilari uchun olti ming baravarigacha) bo'lgan miqdorni tashkil etadi.

Mazkur Qonunning 62-moddasi birinchi qismida "Takliflarni taqqoslash natijalariga ko'ra xarid komissiyasi tanlash g'olibini aniqlaydi va tanlash o'tkazish natijalarini bayonnoma aks ettiradi." deb belgilangan.

O'zbekiston tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi xarid komissiyasining 2022-yil 28-iyundagi 109864-sonli majlis bayoniga asosan "BAXTLI TARAQQIYOT INVEST" oilaviy korxonasi tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tasarrufidagi davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlariga bolalar choyshabi jamlanmasi, matras, ko'rpa va yostiqlar olish uchun o'tkazilgan tanlovni g'olib deb topilgan.

"Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunning 63-moddasi birinchi qismiga asosan tanlash natijalariga doir sharhnomalar tanlash bo'yicha xarid qilish hujjatlarida va o'zi bilan sharhnomalar tuzilayotgan tanlash ishtirokchisi tomonidan taqdim etilgan taklifda nazarda tutilgan shartlar asosida tuziladi.

Taqdim etilgan hujjatlarni o'rgangan holda va yuqoridagilarga asosan:

### XULOSA:

O'zbekiston tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi va "BAXTLI TARAQQIYOT INVEST" oilaviy korxonasi o'rtasida umumiyligi 639.200.000 (olti yuz ottiz to'qqiz million ikki yuz ming) so'm bo'lgan 4.000 dona "Постель-пододеяльник", 1.900 dona "күрпача", 800 dona "матрас" va 1.980 dona yostiq yetkazib berish to'g'risidagi sharhnomasi loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq hisoblanadi.



**Markaz bosh yuriskonsul'ti**

**A.Turdialihev**

Тасдиклайман

Ўзбекистон тумани мактабгача таълим  
бўлими мудири :  X.А.Кўзиева  
(имзо)

Ўзбекистон тумани мактабгача таълим бўлимига 2022-йил харажатлар сметасида ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан оқилона, самарали фойдаланиш хамда товар, иш ва хизматлар сотиб олиш мақсадида танлов савдоларини ўtkазиш ишчи гурухининг

Йиғилиш баёни №3

30.06.2022

Ўзбекистон тумани

Йиғилишда ишчи гурухининг кўйидаги аъзолари қатнашдилар:

Раислик қилувчи :

Ўзбекистон туман мактабгача таълим  
бўлимимудири  
X.А.Кўзиева

Аъзолари :

Бўлим бош хисобчиси в/б  
**Ж.Жўраев**

Эксплуатсия бўлими бошлиғи

**У.Умматов**  
Бош иқтисодчи  
**Н.Ахмедова**

Эксплуатсия бўлими  
бўйича мутахассиси

**Д.Эргашев**

### Йиғилиш кун тартибида қўриладиган масала:

Ўзбекистон тумани Мактабгача таълим бўлими тасаррӯфидаги мактабгача таълим ташкилотларига болалар чойшаби жамланмаси, матрас, кўрпа ва ёстикларни олиш учун 23.06.2022 йилда etender.uzex.uz дастурида 22110012109864 сонли лот орқали 4000 дона болалар чойшаби жамланмаси 1900 дона кўрпа, 800 дона матрац, 1980 дона ёстиқ жами 686 600 000 сўмлик махсулотлар сотиб олиш учун жойлаштирилган.

### Йиғилиш қарори:

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида” ги ЎРҚ 684 сонли қонунининг 62-моддасида кўрсатилган тартибда :

Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ғолибини аниклайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аникланиши мумкин.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш куни ичидаги танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан голиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушганда, харид комиссияси эътиrozларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.


Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичидаги давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан маҳсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

Юқоридаги тартиблар бўйича ушбу лотнинг муҳокама даврида шикоят ва аризалар келиб тушмаганлиги сабабли “Baxtli taraqqiyot invest” хусусий корхонаси билан икки томонлама шартнома тузиш мақсадга мувофиқ этиб белгиланди.

Раислик қилувчи :

Аъзолари :

  
Х.Кўзиева  
  
Ж.Жўраев  
  
У.Умматов  
  
Н.Аҳмедова  
  
Д.Эргашев